



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 20 yil « 6 » ноябрь

№ 693

Toshkent sh.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси хузуридаги Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 11 августдаги ПҚ-4802-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 11 августдаги ПҚ-4802-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси халқаро ислом академияси хузурида давлат муассасаси шаклидаги Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази ташкил этилганлиги ва унинг асосий вазифалари белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Куйидагилар:

Ўзбекистон халқаро ислом академияси хузуридаги Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказининг тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон халқаро ислом академияси хузуридаги Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказининг устави 2-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси (кейинги ўринларда – Академия) ректорига, зарур ҳолларда, Ўзбекистон халқаро ислом академияси хузуридаги Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази (кейинги ўринларда – Марказ) тузилмасига ходимларнинг умумий чекланган сони ҳамда меҳнатта ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш хуқуки берилсан.

3. Академия Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва Ўзбекистон Фанлар академияси билан биргаликда бир ой муддатда Марказга юқори малакали мутахассисларни жалб этиш чораларини кўрсинг.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Маданият вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси буюк аждодларимиздан қолган ёзма манбалар бўйича мақсадли илмий

тадқиқотларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, олий таълим муассасалари ва музей фондларида сақланатган қўлёзма ҳамда тошбосма манбаларнинг факсимиле, фото, сканер нусхалари билан Марказни бепул таъминласин.

5. Академия, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ва Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Академия таркибидағи Илмий тадқиқотлар ва инновацион лойиҳалар марказини тугатиш ва унинг мавжуд моддий-техника базасини белгиланган тартибда Марказга бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

6. Куйидагилар:

Марказга бириқтирилган 1 та енгил хизмат автотранспорт воситаси учун лимит ажратилсин;

мазкур қарорда назарда тутилган харажатларни молиялаштириш 2020 йилда Академиянинг асосланган ҳисоб-китобларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигига амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техник дастурлари учун республика бюджетидан грантлар доирасида ажратилган маблағлар ҳисобидан, 2021 йилдан бошлаб эса – Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутилсин.

7. Марказ Академиянинг Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Абдулла Қодирий кўчаси, 11-уй манзилидаги биносида текин фойдаланиш хуқуки асосида жойлаштирилсин.

8. Белгилансинки, Марказ илмий ходимларига Вазирлар Маҳкамасининг “Илмий ходимлар меҳнатини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори татбиқ этилади.

9. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон халқаро ислом академияси фаолиятини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 22 июндаги 466-сон қарорига 3-иловага мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринbosари Б.А. Мусаев зиммасига юклансин.


Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Махкамасининг
2020 йил “6” ноябрдаги 693-сон қарорига
1-илова

**Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказининг
ТУЗИЛМАСИ**



**Изоҳ. Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказининг ходимлари (техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари) сони – 29 нафар.
Илмий-техник лойиҳаларни амалга ошириши учун мутахассислар ва илмий ходимлар қўшимча равишда шартнома асосида жалб этилиши мумкин.
*) Техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар сони қонун ҳуҗжасатларида белгиланган меъёрлар асосида атиқланади.**

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “ 6 ” ноябрдаги 693-сон қарорига
2-илова

**Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги Имом Мотуридий
халқаро илмий-тадқиқот марказининг
УСТАВИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Устав Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказининг (кейинги ўринларда – Марказ) асосий вазифалари ва функцияларини, ҳуқуклари ва мажбуриятларини, шунингдек, фаолиятини ташкил этиши тартибини белгилайди.

2. Марказ давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс ҳисобланади, мустақил балансга, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Фазначилигида шахсий ғазна ҳисобваракларига, Ўзбекистон Республикаси тијорат банкларида талаб қилиб олинадиган хорижий валютадаги депозит ҳисобваракларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга эга бўлади.

3. Марказ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва конунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Уставга ва бошқа қонун хужжатларига амал қиласди.

4. Марказ ўз фаолиятини Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Ислом олами ташкилоти (ICESCO), Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, хорижий мамлакатлардаги исломшунослик тадқиқотлари илмий-тадқиқот марказлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Марказнинг тўлиқ номи:

давлат тилида – Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази;

рус тилида – Международный научно-исследовательский центр Имама Матуриди при Международной исламской академии Узбекистана;

инглиз тилида – Imam Maturidi International Scientific Research Center under the International Islamic Academy of Uzbekistan;

араб тилида – مركز الإمام الماتريدي الدولي للبحوث العلمية لدى أكاديمية أوزبكستان الإسلامية الدولية – .

6. Марказнинг жойлашган ери (почта манзили): Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, А.Қодирий кўчаси, 11-уй, 100001.

2-боб. Марказнинг асосий вазифалари ва функциялари

7. Куйидагилар Марказнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

акида ва калом илми ривожига бекиёс ҳисса қўшган Имом Мотуридий ва унинг издошлиари бўлган алломаларнинг улкан илмий, диний-маънавий меросини чукур ўрганиш, улар яратган асарларнинг илмий-изоҳли таржима ва қиёсий матнларини нашр этиш, халқ ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида кенг тарғиб қилиш, ушбу мавзуларга доир илмий тадқиқотларни тизимли ташкил этиш;

ислом динининг инсонпарварлик моҳияти, маърифий-маданий роли ва ривожланиш йўналишларини илмий асосда ўрганиш ва кенг афкор оммага, жумладан, халқаро жамоатчиликка етказиш;

Имом Мотуридий, Абу Муин Насафий каби алломаларнинг калом илми ривожига қўшган ҳиссаси ва унинг тараққиётида туттган ўрнини чукур тадқиқ этиш, ёш авлодни миллатлараро ва динлараро бағрикенглик, ўзаро ҳурмат, тинчлик-тотувлик каби ислом динининг асл қадриятлари руҳида тарбиялаш;

мамлакатда ҳамда хорижий давлатларнинг кутубхоналари ва архив фондларида сақланаётган буюк алломаларнинг калом илмига оид мероси ҳамда ислом дунёси учун муҳим илмий аҳамиятга эга бўлган қўлёзма, тошбосма асарларнинг асл ҳамда электрон нусхаларини тўплаш ва келажак авлодга етказиш учун тизимли илмий тадқиқотларни ташкил этиш;

исломий илмлар, хусусан, калом илми тарихи ва унинг бугунги кундаги аҳамиятини илмий тадқиқ этиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликни кучайтириш мақсадида илмий-назарий ва услубий масалаларга бағипланган анжуман, конференция, симпозиум, кўргазма, илмий маъруза, семинар-тренинг ва танловлар ҳамда бошқа маданий-маърифий тадбирларни ташкил этиш;

тадқиқот натижалари юзасидан қомуслар, каталоглар, альбомлар, илмий-оммабол ҳужжатли фильмлар, ахборот-ресурс базасини тайёрлаш ва оммавий ахборот воситалари, хусусан, Интернет жаҳон ахборот тармоғида эълон қилишни ташкил қилиш;

ислом тарихи ва калом илми йўналишидаги янги тадқиқотлар натижаларидан илмий жамоатчиликни кенг хабардор этиш;

“жаҳолатга қарши маърифат” гояси асосида ислом динининг илм-маърифат, маънавий поклик, тинчлик-осойишталик, тараққиёт ва бунёдкорликка чакиравчи гояларини халқقا, айниқса, ёшларга етказиш, мутаассиблик, экстремизмнинг мақсадлари, гоявий негизлари, замонавий кўринишлари ва фаолият услубларини ўрганиш ҳамда уларга қарши курашишнинг илмий-маърифий асосларини ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллаш учун тавсия этиш.

8. Марказ ўзига юклangan вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

ислом динининг моҳияти ва илмларини тарқатади, динлараро ва миллатлараро бағрикенглик, дўстлик, аҳиллик, ўзаро ҳурмат ва ҳамфирлилик қадриятларини кенг оммага етказишга кўмаклашади;

ислом дунёсининг буюк мутафаккири, калом илми пешвоси Имом Мотуридийнинг илмий-маънавий меросини, ижодий фаолияти ва шахсияти билан боғлиқ маънавий-маърифий меросини ёшлар орасида кенг тарғиб қиласди;

Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар олимлари илмий фаолиятини мувофиқлаштириш, шунингдек, давлат, нодавлат нотижорат ташкилотлар, шу жумладан, хайрия ташкилотлари билан илмий-амалий алоқалар ўрнатади ва ривожлантиради;

ўрта асрларда ўтган ислом уламолари ва мутафаккирларининг калом илми ва ислом тарихи йўналишлари бўйича диний-маънавий меросини янада чукурроқ тадқиқ этишга оид лойиҳаларни амалга оширади;

мотуридийлик таълимотига оид ақидавий манбаларнинг илмий-танқидий матнини тайёрлайди ҳамда уларнинг замонавий шарҳларини амалга оширади;

ислом дунёсининг маънавий тарихи ва ислом манбаларини тасниф қилиш бўйича лойиҳаларни амалга оширади;

Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатларда сақланаётган ислом динига оид нодир ёдгорликларни оммалаштиришга бағишлиланган лойиҳаларни амалга оширади;

жойларда ижтимоий-маънавий мухитни янада соғломлаштириш, аҳоли, айниқса, ёшлар орасида ислом динининг бунёдкорлик, илм-маърифат ва одоб-ахлоққа йўғрилган таълимотини тарғиб этишга қаратилган тадбирларда иштирок этади;

бой маданий ва маънавий мерос, дунёвий ҳамда диний илмлар уйғун равишда тадқиқ этилишини ташкил қилиш орқали унинг натижаларини таълим-тарбия жараённида қўллаш ва кенг жамоатчиликка етказишида ташкилий-амалий ёрдам кўрсатади.

3-боб. Марказнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

9. Марказ ўзига юкланган асосий вазифалар ва функцияларни амалга оширишда қуйидаги ҳуқукларга эга:

Ўзбекистон халқаро ислом академияси билан келишган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хорижий ташкилотлар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиш ва ўзаро ҳамкорлик тўғрисида шартномалар ва бошқа ҳужжатларни имзолаш;

жаҳондаги нуфузли илмий-тадқиқот марказлари ва олий таълим муассасаларининг илмий, диний-маънавий қадриятларни тадқиқ этиш йўналишидаги тажрибасини ўрганиш ҳамда халқаро ташкилотлар билан алоқалар ўрнатиш ва илмий ҳамкорликни йўлга қўйишида ёрдам бериш, илмий-тадқиқот ишларини замон талаблари даражасида ташкил этиш юзасидан амалий тавсиялар берип асосида семинар-тренинглар ўтказиш;

вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлардан Марказ ваколатига тааллуқли масалалар бўйича маълумотларни сўраб олиш;

Имом Мотуридий ва бошқа мутафаккирларнинг фаолиятини ўрганиш бўйича илмий ва эксперт ишларини амалга ошириш, долзарб масалаларни ишлаб чиқиш учун вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, таълим муассасалари ва бошқа

ташкilotлардан, шу жумладан, чет эллардан юқори малакали мутахассисларни шартнома асосида ишга таклиф этиш;

Марказнинг бюджетдан ташқари маблағларини Марказ томонидан ўтказиладиган тадбирларни ташкил этишга йўналтириш;

ижтимоий ташаббуслар билан чиқиш ва ушбу масалада тегишли давлат органларига таклифлар киритиш;

ўз фаолияти тўғрисида ахборот тарқатиш ва белгиланган тартибда бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига матбаа ва ноширлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда мультимедиа маҳсулотларини чиқариш;

фаолиятига алоқадор бўлган конференциялар, симпозиумлар, семинар-тренинглар, сайёр мажлислар ташкил қилиш;

илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш максадида ўз фаолиятини Марказ директори томонидан тасдиқланадиган низом асосида олиб борадиган илмий ҳайъат тузиш.

Марказ қонун хужжатларига мувофиқ бошқа хукукларга ҳам эга бўлиши мумкин.

10. Марказ қуидагиларга мажбур:

ўзига юклangan вазифалар ва функциялар самарали бажарилишини таъминлаш; ўз фаолияти тўғрисида ахборот билан танишиш эркинлигини таъминлаш;

қонун хужжатларида белгиланган тартибда тегишли давлат органларига ўз фаолияти тўғрисидаги ҳисботлар тақдим этиш.

Марказга қонун хужжатларига мувофиқ бопқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

4-боб. Марказ фаолиятини ташкил этиш

11. Марказ фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва мувофиқлаштириш бўйича Васийлик кенгаши Марказ фаолиятини мувофиқлаштиради, унга юклangan вазифаларни амалга оширишга кўмаклашади ҳамда Марказ фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди.

Васийлик кенгащининг асосий вазифалари қуидагилар ҳисобланади:

бой маданий ва маънавий мерос, дунёвий ҳамда диний илмларни уйғун равища тадқиқ этиш орқали унинг натижаларини таълим-тарбия жараёнида қўллаш ва кенг жамоатчиликка етказишда ташкилий-амалий ёрдам кўрсатиш;

жаҳондаги нуфузли илмий-тадқиқот марказлари ва олий таълим муассасаларининг илмий, диний-маънавий қадриятларни тадқиқ этиш йўналишидаги тажрибасини ўрганиш ҳамда халқаро ташкилотлар билан алоқалар ўрнатиш ва илмий ҳамкорликни йўлга кўйишда ёрдам бериш, илмий-тадқиқот ишларини замон талаблари даражасида ташкил этиш юзасидан амалий тавсиялар бериш;

концептуал тадқиқотлар дастурлари ҳамда илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳомийлар маблағларини ва тадқиқотлар жараёнига чет эллардан соҳа мутахассис олимларини жалб этишда кўмаклапшиш;

илмий-тадқиқот натижалари асосида таълим муассасалари ўқув дастурларини такомиллаштириш, соҳа учун кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, илмий-тадқиқот олиб бораётган кадрларнинг маҳаллий ва хорижий мамлакатлардаги нуфузли илмий тадқиқот муассасаларида тажриба орттиришини ва малака оширишини ташкил этиш, юқори натижага эришган ва фаол тадқиқотчиларни рағбатлантириш чоратадбирларини кўриш.

Мажлис бир йилда камида бир марта чақирилади. Марказ Васийлик кенгаппи мажлисининг чақирилиши ҳамда унинг кун тартиби ҳақидаги маълумотлар мажлис чақириладиган санадан бир ой олдин эълон қилинади.

12. Васийлик кенгашининг мажлиси ўз ваколатлари доирасида:

Марказнинг фаолият дастури ва йиллик режаларини тасдиқлайди;

қонун ҳужжатларига ва ушбу Низомга мувофиқ бошқа вазифаларни амалга оширади.

Васийлик кенгашининг мажлиси кенгашининг камида тўртдан уч қисми ҳозир бўлган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

Мажлис қарори иштирокчиларнинг ярмидан қўпининг овози билан қабул қилинади.

13. Марказнинг кундалик фаолиятига Марказ директори раҳбарлик қиласи. Марказ директори Вазирлар Махкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита билан келишилган ҳолда Ўзбекистон халқаро ислом академияси ректори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

14. Марказ директорининг илмий-тадқиқот ишлари бўйича бир нафар ўринбосари бўлади. Марказ директори бўлмаган тақдирда унинг функциясини директор ўринбосари бажаради.

Марказ директорининг ўринбосари Ўзбекистон халқаро ислом академияси билан келишилган ҳолда Марказ директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

15. Директор ўз ваколатлари доирасида:

Марказ фаолиятига умумий раҳбарлик қиласи;

Марказ номидан буйруқлар чиқаради, ишончномалар беради;

Марказга юклangan вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилиши, тақдим этиладиган таҳлилий материаллар ва ҳужжатларнинг тўлиқлиги учун шахсан жавоб беради;

таркибий бўлимлар фаолиятини мувофиқлаштиради, бўлимлар ходимлари ўртасида функционал вазифаларни тақсимлайди, юклangan топшириклар бажарилиши учун ҳар бир ходимнинг жавобгарлиги даражасини белгилайди;

белгилangan тартибда Марказ ходимлари билан меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қиласи;

Марказ ходимларининг лавозим маошларига қонун ҳужжатларида белгилangan тартибда устамалар белгилайди;

Марказ фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади ва Васийлик кенгаши мажлиси муҳокамасига киритади.

Марказ директори қонун хужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам амалга ошириши мумкин.

5-боб. Марказ фаолиятини молиялаштириш

16. Марказ ўзининг кўчмас ва кўчар мулкига, пул маблағларига, шу жумладан, чет эл валютасидаги пул маблағларига, қимматли қоғозлари ва бошқа мол-мулкига эга бўлиши мумкин.

17. Марказ фаолиятини молиялаштириш манбалари қўйидагилар хисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонун хужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

6-боб. Яқунловчи қоида


18. Марказни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “б” ноябрдаги 693-сон қарорига
3-илова

**Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон халқаро ислом академияси
фаолиятини ташкил этиш ва қўллаб-куватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”
2018 йил 22 июнданги 466-сон қарорига киритилаётган
ўзгартириш**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон халқаро ислом академияси
фаолиятини ташкил этиш ва қўллаб-куватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”
2018 йил 22 июнданги 466-сон қарорига илованинг матни куйидаги тахrirda баён
этисин:

“Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг
ТУЗИЛМАСИ*



* Академия (факультетлар, кафедралар ва бошқа таркибий бўлинмалар) ходимларининг чекланган умумий сони олий таълим мусассасалари учун белгиланган нормативларга мувоғиқ аниқланади.

**) Академиянинг бюджетдан ташқари (тўлов-контрактлар ҳисобидан ташқари) маблаглари ҳисобидан таъминланади”.

